

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фиқҳнинг асоси ва таянчи бўлганлар



16:20 / 23.02.2025 1251

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабларининг йўли бўлмиш тавассут мактабини қўллаб-қувватлайдиган далиллар ҳақида сўз юритамиз.

Аввал Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидаги фиқҳга, бу борадаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўша даврда фиқҳнинг кўриниши қандай бўлган? Биринчи навбатда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари фиқҳнинг асоси ва таянчи бўлганлар. Шаръий ҳукмлардаги таянч манба айнан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари бўлган. Аммо баъзи фиқҳий масалаларда саҳобаларга ҳам суянилари эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тааллуқли бир савол: «У зот мужтахид бўлганмилар?» Фикҳий мазҳаблар у зотнинг мужтахид бўлганларига иттифоқ қилишган. Бунга гувоҳлик берадиган бир қанча далиллар ҳам бор. Масалан, Бадр ғазотида асирларни қатл қилиш ўрнига фидя олганлари. Табук ғазотидаги мунофиқларнинг узрини қабул қилганлари. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ижтиҳод қилганларига шу ва шунга ўхшаш бир қанча далиллар бор.

У зот мужтахидларнинг имоми эдилар. Бундан нима келиб чиқади? Маълумки, ташаддуд йўналиши фаҳмни инкор қилиб, «Нассинг ўзига амал қил, бўлди», дейди. Биз айтамызки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам ижтиҳод қилардилар, саҳобаларига ҳам ижтиҳод қилишни ўргатардилар. Демак, улуғ мужтахид имомлар ижтиҳод қилса, бу ишни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг феълларига ва таълимларига биноан қилган бўладилар. Бунга Муоз розияллоҳу анҳунинг ҳадислари далил бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётиб, «Нима билан ҳукм қиласан?» деб сўрадилар. Муоз: «Аллоҳнинг Китоби билан», дедилар. «Китобда ўша ҳукмни топмасанг-чи?» дедилар. «Расулининг суннати билан», деди. «Унда ҳам топмасанг-чи?» деган эдилар, «Ижтиҳод қиламан», деди.

Демак, ҳукм чиқаришнинг манбаи учта бўлди: Аллоҳнинг Китоби, Расулининг суннати, сўнгра Қуръон ва Суннатга кўра ижтиҳод қилиш.

Муоз розияллоҳу анҳунинг ҳадисларида зикр қилинган мана шу учта манба фикҳий мазҳабларнинг асоси ҳисобланади. Қолаверса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бир қанча саҳобалар ҳам ижтиҳод қилишган. Масалан, бир сарийяда, яъни маълум бир мақсад билан юборилган қўшинда Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу жунуб бўлиб қолиб, қаттиқ совуқ туфайли таяммум қилганлар. Набий алайҳиссалом бу ишни маъқуллаганлар. Лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабул қилмаган, хато деб баҳолаган ижтиҳодлар ҳам бўлган. Масалан, боши ёрилган бир саҳоба жунуб бўлиб қолса, ёнидаги саҳобалар «Ғусл қилиш шарт», деб фатво беришган, у ғусл қилгач, вафот этган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фатвони тўғри демаганлар, балки «Улар мана шу фатволари билан уни ўлдиришибди!» деб ғазабланганлар.

Бундан қандай хулоса оламиз? Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари саҳобаларига ижтиҳод қилишни буюрганлар. Юқорида келтирган

мисолларимиз бунга очиқ далил бўлади. Муоз розияллоҳу анҳу кейинчалик Алий розияллоҳу анҳуни Яманга жўнатганлари ҳам шунга далолат қилади. Қолаверса, бу мисоллардан саҳобаларнинг барчасида ҳам ижтиҳод лаёқати бўлмагани ҳам келиб чиқади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ижтиҳоди хато чиққан саҳобалардан қаттиқ ранжиб, уларни койиб берганлар.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.